

З.А. Қодирова,
катта илмий-ходим изланувчи, ТДИУ

МАРОКАШДА МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИ ВА УНИНГ МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИГА ТАЪСИРИ

Данная статья анализирует влияние экспорта рабочей силы на экономику страны, сравнивая успехи в развитии экономики Марокко – поставщика рабочей силы с Францией и Испанией – главными его получателями. Сделаны практические выводы о негативных экономических последствиях трудовой миграции на примере Марокко.

The present article analyzes the effects of labor exports on the country's economy by comparing economic achievements of Morocco – the supplier of labor with those of France and Spain – main recipients of labor. Practical conclusions are drawn on negative economic consequences of labor migration on the example of Morocco.

Калитли сўзлар: Марокаш, Европа меҳнат бозори, ишчи кучи экспорти, меҳнат миграцияси, хорижий пул ўтказмалари, Марокаш диаспораси.

Бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий-иқтисодий тараққиётга эришишнинг ва аҳоли фаровонлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан бири бўлмиш меҳнат ресурсларини иш билан банд қилиш муаммосини ҳал қилиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидандир. Зеро, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек, «ишлашни хоҳловчиларнинг барчасини фақатгина иш билан таъминлаб қолмасдан, энг мақбул, ижтимоий йўналтирилган иш билан бандликни вужудга келтириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, мукамал меҳнат бозорини шакллантириш, ишга жойлашишга муҳтож бўлган шахсларни тўла ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади»[1]. Шундай экан, бу борада нафақат миллий меҳнат бозорида фаолият кўрсатаётган, балки халқаро меҳнат бозорида фаол иштирок этаётган меҳнат ресурслари масаласига ҳам эътибор қаратиш, хорижда фаолият кўрсатаётган меҳнат мигрантларининг ҳақ-ҳуқуқларини тўлиқ таъминланишига эришиш, мамлакатда меҳнат миграциясини тартибга солиш жараёнларини такомиллаштириш ва бу борада кези келганда хориж тажрибасини ўрганиш ҳамда зарур хулосалар чиқариш муҳим аҳамиятга эга. Кўрилатган муаммонинг долзарблиги айнан шу билан белгиланади.

Бугунги кунда халқаро меҳнат бозорининг фаол иштирокчиларидан бирига айланган Марокаш Қироллиги ҳам ана шундай тажрибага эга бўлган мамлакатлардан бири ҳисобланади.

Марокаш Европага катта миқдордаги ишчи кучини етказиб бериш ва Африка минтақасида энг кўп хорижий пул ўтказмаларини қабул қилиш бўйича етакчи мамлакат деб тан олинади. Унинг географик жойлашуви ва тарихий алоқалари мамлакатдаги ишчи кучи экспортини ривожланишига ёрдам берди ва

хорижда мамлакат аҳолисининг 10 %ига тенг миқдорда бўлган Марокаш диаспорасини шакллантирди.

Мамлакатда миграция жараёнларининг шаклланиши 1912-1956 йиллар давомида Марокашнинг Франция мустамлакаси бўлган даврларга тўғри келади. Айнан мустамлака йиллари Марокашдан Францияга миграция тенденцияларининг бошланиши учун имконият яратган давр ҳисобланади. Европадаги юқори иқтисодий ўсиш суръатлари ва унинг оқибатида юзага келган паст малакали ишчи кучига бўлган юқори талаб натижасида 1962-1972 йиллар давомида Марокашдаги меҳнат эмиграцияси жараёнларининг ҳажми ва миқёсининг кенгайиши кузатилди. Бир қатор Европа мамлакатлари, хусусан, Германия, Франция, Бельгия ва Голландия билан ишчи кучини ёллаш тўғрисидаги мамлакатлараро келишувларни имзолаш билан Марокаш ҳукумати ишчи кучи экспортини кенг миқёсда қўллаб-қувватлай бошлади[2]. Марокаш ҳукумати томонидан мазкур меҳнат миграцияси жараёнларига мамлакатдаги ишсизлик каби ижтимоий муаммоларнинг вақтинчалик ечими сифатида қаралди ва Европада зарур билим ва кўникмага эга бўлган меҳнат мигрантларининг кейинчалик ўз ватанларига қайтиб келиш эҳтимоли юқори, деб ҳисобланди.


Бироқ, Марокашдан Европага ишлаш ниятида кетган меҳнат мигрантларининг аксарияти қайтиб келмади. Айниқса 1973 йилдаги нефть инқирози натижасида юзага келган Марокашдаги иқтисодий беқарорлик кўпчилик хориждаги марокашлик мигрантларнинг хавфсиз ва иқтисодий барқарор бўлган Европа давлатларида қолиб кетишларига сабаб бўлди. Бундан ташқари оилаларнинг қайтадан бирлашиши ва кейинги авлодларнинг ўзаро оила қуришлари каби янги тенденциялар марокашлик мигрантлар сонининг тобора ортиб боришига олиб келди[3]. Бунинг оқибатида 1972-2012 йиллар давомида хорижда яшовчи марокашлик мигрантларнинг сони 10 баробарга ошиб, 300 минг кишидан 3 млн кишига етди[4].

Аммо шу ўринда ташқи омиллар билан бир қаторда баъзи ички омиллар ҳам Марокашда меҳнат эмиграцияси жараёнларининг фаоллашувига сабаб бўлганини алоҳида таъкидлаш лозим. Тарихданок Марокаш аҳолисининг катта қисми қишлоқ ерларда истиқомат қилган бўлиб, 1961 йилда умумий аҳолининг 71 %ини ташқил қилувчи қишлоқ аҳолиси 2012 йилга келиб 43%гачагина қисқарди. Аммо қишлоқ аҳолиси улущининг юқори эканлигига қарамай, ханузгача аграр сектордан келадиган даромадлар мамлакат ЯИМнинг атига 15 %ини ташқил қилади[5]. Яъни бу борада иш жойларининг етишмаслиги кўплаб ёш марокашликларнинг бошқа жойлардан имконият қидиришларига сабаб бўлмоқда.

Мустақилликдан кейинги йилларда ҳам Марокаш ҳукумати нафақат иқтисодий, балки сиёсий омилларни ҳам ҳисобга олган ҳолда халқаро миграция жараёнларини қўллаб-қувватлашни давом эттирди. Халқаро Миграция Институтини раҳбари профессор Хэин Де Хааснинг таъкидлашича, бу пайтга келиб мамлакатда меҳнат миграциясига айниқса қишлоқ ҳудудларида ҳал қилиниши керак бўлган муаммо, яъни юқори ижтимоий ва сиёсий босимни енгиллаштиришнинг бир чораси сифатида қарала бошланди[6]. Бундан

ташқари миграция жараёнлари ҳукуматга ёш аҳолининг сиёсий фаолиятга аралашувини нейтраллаштиришда ва уларнинг оилалари учун қўшимча даромад манбаини шакллантиришда ёрдам берди.

1-диаграмма



Манба: Жаҳон банки маълумотлари.


Мамлакатда эмиграция жараёнлари бир нечта босқичларда амалга оширилган. Миграциянинг авжига чиққан биринчи оқими 1968-1972 йилларга тўғри келиб, бу даврда Европадаги индустриал ўсиш Марокашда катта микдордаги ишчи кучини экспорт қилишга туртки берган. Бу давр мобайнида мамлакатни тарк этганлар сони 588 минг кишига етган.

1990 йилларга келиб Европа мамлакатлари виза келишувларини кескинлаштиришига қарамай, 1988-1992 йиллар давомида 611 минг нафар марокашликларнинг мамлакатдан чиқиб келишлари билан боғлиқ бўлган миграциянинг иккинчи йирик тўлқини юзага келган. Бу даврга келиб биринчи оқим даврида чиқиб кетган меҳнат мигрантларининг ўз оила аъзолари ва қариндошларини чақириб олишлари ва уларнинг фарзандларини ўз ватандошлари билан турмуш қуришлари натижасида эмиграция жараёнларининг яна фаоллашуви кузатилган.

Меҳнат миграциясининг учунчи тўлқини эса 1998-2002 йилларга тўғри келган. Мазкур оқим 1999-2000 йиллардаги мамлакатдаги қурғоқчилик ва унинг оқибатида рўй берган иқтисодий стагнация туфайли юзага келиб, бу даврда мамлакатдан чиқиб кетган мигрантлар сони рекорд даража яъни, 755 минг кишига етган. 2003 йилнинг ўрталарига келиб жами 2,5 млн нафар марокашликлар хорижда яшаган бўлиб, бу кўрсаткич мамлакат умумий аҳолисининг 8 %ини ташкил этган[7].

Кейинги йилларда эса Марокашдан чиқиб кетаётган меҳнат эмигрантлари сонининг қисқариши кузатила бошланди, бундай ҳолатни бевосита сўнгги йилларда Марокашдаги иқтисодий ҳолатнинг яхшиланиши, ҳаттоки Испаниядан Марокашга томон меҳнат миграцияси жараёнларининг кўзга ташланиши билан изоҳланади.


2-диаграмма



Манба: Жаҳон банки маълумотлари.

Марокаш Режалаштириш юқори кўмитасининг маълумотларига кўра, 2006 йилда хорижда яшовчи марокашликлар сони 3,3 млн кишига етган бўлиб, бу кўрсаткич мамлакат аҳолисининг 10 %ини ташқил қилади[8]. Хорижда яшовчи жами марокашликларнинг 86 %и Европада ҳамда деярли 1/3 қисми Францияда яшайди. Бундай ҳолатни бевосита колониал ўтмиш ва географик яқинлик билан боғлаш мумкин. Француз тили Марокашдаги норасмий иккинчи тил бўлиб, давлат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, йирик ва ўрта ҳажмдаги компаниялар, француз тилида сўзлашувчи мамлакатлар билан халқаро алоқалар ҳамда халқаро дипломатияда ундан кенг фойдаланилади.

3-диаграмма



Манба: <http://www.hcp.ma/>

Шунингдек, меҳнат мигрантларининг хорижий пул ўтказмалари Марокаш иқтисодиётида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Чунончи, 2001 йилда мамлакатдаги хорижий пул ўтказмалари миқдори ривожланиш учун ажратилган ёрдам маблағидан олти маротаба, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдоридан беш маротаба, шунингдек, туризм ва қишлоқ хўжалиги экспорти даромадларидан ҳам бир неча маротаба катта ҳажмга эга бўлган. 2004 йилда хорижий пул ўтказмалари ҳажми 4,2 млрд АҚШ доллариға етган Марокаш

ривожланаётган мамлакатлар ичида энг кўп хорижий пул ўтказмаларини қабул қилувчи бешинчи йирик давлатга айланган[9]. 2012 йилга келиб эса хорижда ишлаётган меҳнат мигрантлари ҳисобидан мамлакат ЯИМнинг деярли 7 %ига тенг бўлган, яъни 6,5 млрд АҚШ доллари миқдоридаги халқаро пул ўтказмалари мамлакатга кириб келган. Ҳозирги кунда Марокаш Миср билан бир қаторда Африка минтақасидаги энг кўп хорижий пул ўтказмаларини қабул қилувчи мамлакатлардан бири ҳисобланади.

4-диаграмма



Манба: Жаҳон банки маълумотлари.

Гарчанд Марокашга юборилган шахсий пул ўтказмалари 2006-2012 йиллар давомида 1990 йилларга нисбатан 3 баробарга ортган бўлса-да, унинг 2000 йиллар давомида ЯИМдаги улуши 6,8-9 % миқдоридалигича сақланиб қолмоқда. Сўнгги беш йил давомида шахсий пул ўтказмаларининг ЯИМдаги улуши сезиларли даражада, яъни 2007 йилдаги энг юқори улуш 8,9 %дан 6,8 %га қисқарди. Бундай қисқаришни 2000 йилларнинг ўрталаридан бошлаб Марокаш номинал ЯИМнинг барқарор ўсиб келаётгани билан изоҳлаш мумкин.

5-диаграмма




Манба: Жаҳон банки маълумотлари.

Пул кўринишидаги шахсий пул ўтказмаларидан ташқари марокашликлар уй-жой анжомлари, мебель, автомобил, кийим-кечак ва бошқалар кўринишидаги натурал ўтказмаларни ҳам ўз оила аъзоларига юборадилар. Натурал ўтказмалар жами ўтказмаларнинг 25-33 %ини ташкил қилади[10]. Бундан ташқари хориждаги марокашликлар пуллари ўз мамлакатлари иқтисодиётига инвестиция шаклида киритадилар. Маастрикт университети тадқиқотчиси Ўзге Билгили ўз илмий изланишларида норезидент марокашликларнинг ўз ватанларига киритган инвестицияларнинг 80 %и уй-жой секторига йўналтирилганини маълум қилади[11].

Хорижга ишчи кучини экспорт қилиш тенденцияларини таҳлил қилишда мамлакат иқтисодий тараққиёти ва миграция жараёнларини бир-бирига боғлиқ ҳолда тадқиқ этиш долзарб аҳамиятга эга. Хусусан, Марокашнинг номинал ЯИМ 1980 йилдан 2012 йилга қадар 5 баробарга ортиб, 18,8 млрд АҚШ доллардан 96 млрд АҚШ долларига, жон бошига ЯИМ эса 3 баробарга ортиб, 943 АҚШ доллардан 2902 АҚШ долларига етган. Қуйида келтирилган жадвалдан кўриниб турибдики мамлакат ЯИМнинг асосий ўсиш даври 2000 йиллар давомида рўй берган. Юқорида келтирилган барча кўрсаткичларни умумлаштирган ҳолда хорижда яшовчи марокашликлар ўзларининг пул ўтказмалари ва киритаётган инвестициялари орқали иқтисодий ўсишга туртки берганлар, деган хулосага келиш мумкин.

6-диаграмма




Манба: Жаҳон банки маълумотлари.

Бирок, шу ўринда Марокашда иқтисодий ўсиш етарли даражада бўлганмикин деган савол туғилади.

Ишчи кучини етказиб берувчи мамлакат Марокаш билан уни қабул қилувчи асосий мамлакатлар (Франция, Испания)нинг эришган иқтисодий ўсиш суръатларини қиёслаш меҳнат миграциясидан ким кўпроқ фойда кўрганини изоҳлаш имкониятини беради. Марокашда жон бошига ЯИМнинг ўсишига эришилган бўлса-да, мамлакатдаги ўсиш суръатлари унинг меҳнат

ресурсларини қабул қилувчи асосий мамлакатлар (Франция, Испания)нинг иқтисодий ўсиш суръатларидан ортда қолмоқда. Агар 1960 йилдан 2012 йилга қадар Марокашда жон бошига ЯИМнинг ўсишига назар ташланса, унинг ҳажми 165 АҚШ долларидан 2902 АҚШ долларига етиб, 17,6 маротабага ортганини кўриш мумкин. Бирок, мазкур давр учун бу кўрсаткич Францияда 1343 АҚШ долларидан 39746 АҚШ долларига етиб, 29,6 маротабага, Испанияда эса 396 АҚШ долларидан 28274 АҚШ долларига етиб 71,3 маротабага ортганининг гувоҳи бўлиш мумкин.


7-диаграмма



Манба: Жаҳон банки маълумотлари.

Бошланғич давр қилиб олинган 1960 йилдаги иқтисодий ривожланиш даражаси турлича бўлиб, Франциядаги иқтисодий тараққиёт анча юқори даражани ташкил этган. Бу эса Марокашдаги иқтисодий ўсиш янада сузглигини изоҳлайди. Чунки иқтисодий тараққиётнинг юқори суръатларига эришиш ривожланаётган мамлакатларга нисбатан ривожланган мамлакатларда нисбатан қийинроқ кечади.

Бундан ташқари ишчи кучи экспорти 2000 йилларнинг ўрталарига қадар Марокашдаги ишсизлик даражасини қисқартиришга ёрдам бермади. Фақатгина 2000 йилларнинг ўрталарига келиб, ишсизлик даражаси 10 %дан бироз қисқарди ва Франциядаги ишсизлик даражаси билан тенглашди. Испанияда эса бу даврда қарз инқирозининг юзага келиши ва унинг оқибатида ижтимоий эҳтиёжлар учун харажатларнинг қисқариши ишсизлик даражасини 25 %га етишига сабаб бўлди.



Манба: Жаҳон банки маълумотлари.

Ажабланарли жихати шундаки, Марокашдаги ишсизлик даражасининг 10 %дан камайиши айнан меҳнат миграцияси миқёси қисқарган даврга тўғри келди. Шунингдек, малакали меҳнат мигрантларининг ўз ватанларига қайтиб келмасликлари, мамлакатда ишсизлик муаммосининг йиллар давомида сақланиб қолиши ҳамда иқтисодийнинг куйи кўрсаткичлар билангина ўсиши каби жараёнларнинг давом этишини Марокаш ишчи кучи экспорти сиёсатининг иқтисодий оқибати дея баҳолаш имкониятини беради.

Бошқа томондан эса, Марокашдаги иқтисодий ўсиш суръатлари юқори бўлмаса-да, бироқ 1990 йилларда Шоҳ Хасан II томонидан бошланган ҳамда 2000 йилларда Шоҳ Муҳаммад V томонидан давом эттирилган иқтисодий ислохотлар ўзининг ижобий натижаларини берди. Бу борада ҳукумат мамлакат иқтисодийтини барқарорлаштиришга, ташқи савдони эркинлаштиришга ҳамда туризмнинг ривожланиши учун шарт-шароит ва имкониятларни яратишга эришди. Натижада мамлакат экспортининг ЯИМдаги улуши 1980 йилдаги 22 %дан 2012 йилда 36 %га етди. Шу билан бирга мамлакатдаги “очиклик” ва халқаро иқтисодий интеграция жараёнларининг кенгайиши кўплаб туристларни айниқса, европалик сайёҳларни жалб қила бошлади. 2012 йилга келиб халқаро туризмдан келаётган даромадлар ҳажми 8,5 млрд АҚШ долларини ташкил этиб, мамлакат ЯИМнинг деярли 9 %ига етди. Шу тариқа туризмдан келадиган даромадлар мигрантларнинг хорижий пул ўтказмаларидан келадиган даромадлардан ортиб кетди.

Буни бевосита мамлакатда олиб борилган оқилона иқтисодий ислохотлар билан боғлаш мумкин, хусусан, Марокашда иш ўринлари яратилишининг кенгайиши 2000 йилларнинг ўрталаридан бошлаб ишсизлик даражасининг 9 %дан куйи бўлган кўрсаткични ташкил этишига сабаб бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, Марокаш мамлакатининг ишчи кучи экспорти ва миграция борасидаги тажрибасини таҳлилининг кўрсатишича, бу борадаги мавжуд қуйидаги анъанавий қарашлар қутилган натижаларга олиб келмади.

Аниқроқ қилиб айтганда, бу масалада қуйидаги 3 хил қарашлар амалда ўз тасдиғини топмади:

- Миграциянинг вақтинчалик характерга эга эканлиги ҳақидаги қарашлар;
- Ишчи кучи экспорти хорижий пул ўтказмалари орқали иқтисодий ўсишга туртки беради, деган мазмундаги қарашлар;
- Ишчи кучи экспорти ишсизлик суръатларини қисқартириши ҳақидаги қарашлар.

Марокаш ҳукуматининг меҳнат миграцияси вақтинчалик характерга эга эканлиги ҳамда меҳнат мигрантларининг малака ва кўникмага эга бўлгач ўз ватанларига қайтиб келишлари тўғрисидаги дастлабки қарашлари ўзини оқламади. Хорижда ўрнашиб олган меҳнат мигрантлари ўз мамлакатларига қайтиб келмадилар, бунинг устига улар ўз оила аъзолари ва қариндошларини ҳам хорижга таклиф қилдилар, уларнинг фарзандлари ўз ватандошлари билан турмуш қура бошладилар. Бундай тенденциялар натижасида миграция оқимининг кейинги “тўлқинлар”ига туртки берди. Хорижда марокашликлар диаспораси кўпайиб борди.

Ишчи кучи экспорти хорижий пул ўтказмалари орқали иқтисодий ўсишга туртки беради, деган мазмундаги қарашлар хусусида шуни айтиш лозимки, улар меҳнат мигрантлари оиларига катта ёрдам бериши аниқ, албатта. Аммо хорижий пул ўтказмалари ва ишчи кучи экспорти мамлакатдаги зарур иқтисодий ўсишга олиб кела олмайди. Аксинча, катта миқдордаги ишчи кучи экспорти хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва янги иш ўринларини яратишдек иқтисодий ислохотларни ўтказишдан ҳукумат эътиборини чалғитади. Марокаш ривожланаётган мамлакат бўлса-да, унинг иқтисодиёти ишчи кучини қабул қилаётган Франция ва Испания каби ривожланган мамлакатлар эришган иқтисодий ўсиш суръатларидан ортиқ кўрсаткичларга эриша олмади. Марокашда нисбатан юқори иқтисодий ўсиш суръатлари 2000 йилларнинг ўрталаридан бошлаб, яъни меҳнат миграцияси сустралашган ҳамда ишчи ўринларини яратишга қаратилган иқтисодий ислохотлар ўтказилган даврдан бошлабгина кузатила бошланди.

Ҳаёт ишчи кучи экспорти ишсизлик суръатларини қисқартириши ҳам вақтинчалик чора эканлигини кўрсатмоқда. Марокашда узоқ муддат давомида, яъни 2000 йилларга қадар меҳнат миграцияси фаоллашган даврларда ишсизлик даражаси расман 15 % ва ундан юқори бўлган кўрсаткичларни ташкил қилиб келди. Гарчанд ишчи кучини экспорт қилиш орқали меҳнат ресурслари иш билан таъминланса-да, меҳнат миграцияси маҳаллий истеъмолни ҳам қисқартириб юбориши, мазкур жараёнларда одатда меҳнатга лаёқатли аҳолининг энг фаол ва тиришқоқ қисмини тортиб кетаётганлиги мамлакат учун салбий ҳолат ва янги муаммолар туғдирмоқда.

Хуллас, ишчи кучи миграцияси жуда серкирра муаммо бўлиб, у иқтисодий жараёнлар билан чамбарчас боғлиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т.: Ўзбекистон, 1998-264б.
2. Hein de Haas. Moroccos migration transition: Trends, determinants and future scenarios//MDR working Paper № 3. “Migration and Development Revisited”. the Netherlands 2005. P.11.
3. Ўша жойда. P.16.
4. Жаҳон банки маълумотлари www.data.worldbank.org.
5. Ўша жойда.
6. Hein de Haas. Migrants change the appearance of Morocco//MDR working Paper № 5. “Migration and Development Revisited”. the Netherlands 2005. P.3.
7. Ninna Nyberg Sorensen. Migrant remittances as a development tool: The case of Morocco, Danish Institute for Development Studies, Copenhagen 2004. P.9.
8. Tom Lochery. Development in Morocco: Re-examining the effect of remittance flows, 2008. P.6.
9. Hein de Haas. The impact of international migration on social and economic development in Moroccan sending regions: a review of empirical evidence. International Migration Institute, 2007. P.5.
10. Sasin. Morocco’s migration: The profile and impact on households, 2008. Бу ҳақида қаранг: Ozge Bilgili. Migration in Morocco: History, current trends and future prospects//Paper Series: Migration and Development country profiles. P.35.
11. Ozge Bilgili. Migration in Morocco: History, current trends and future prospects//Paper Series: Migration and Development country profiles. P.36.